



ГАЗНАЧИЛИК ХИЗМАТИНИНГ МАРКАЗЛАШГАН БОШҚАРУВ КОМПАНИЯЛАРИДАГИ ЎРНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Зулфикаров Фарход Юлдашходжасаевич -
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби
мустақил изланувчиси

doi: doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a49

Аннотация. Мазкур мақолада корпоратив йирик компаниялар таркибида ғазначилик хизматининг вазифаларини тақсимлаш масаласини кўриб чиқилади. Корпоратив ғазначилик хизматининг шакллари, моҳияти ва уларни амалга ошириш ҳусусиятлари ҳамда истиқболли ўйналишлари ўрганилган. Мақоланинг мақсади - корпоратив йирик компаниялар пул оқимларини бошқаришда ғазначилик хизматининг рўлини очиб беришдир.

Калим сўзлар: ғазначилик, ҳисоб-китоб маркази, молия, пул оқими, компания.

ЦЕНТРАЛИЗОВАННОЕ УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСКОЙ СЛУЖБОЙ РОЛИ И ФУНКЦИИ В КОМПАНИЯХ

Зульфикаров Фарход Юлдашходжасаевич -
Высшая школа бизнеса и предпринимательства
самостоятельный искатель

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос о распределении обязанностей казначейской службы в корпоративной структуре крупных компаний. Изучены формы, сущность и особенности их внедрения, а также перспективные направления корпоративного казначейского обслуживания. Цель статьи - раскрыть роль казначейской службы в управлении денежными потоками корпоративных крупных компаний.

Ключевые слова: Казначейство, расчетный центр, финансы, денежный поток, компания.

CENTRALIZED MANAGEMENT OF THE TREASURY SERVICE ROLES AND FUNCTIONS IN COMPANIES

Zulfikarov Farkhod Yuldashkhodjaevich -
Higher School of Business and Entrepreneurship
independent seeker

Annotation. In this article, the issue of the distribution of duties of the Treasury service in the structure of Corporate large companies is feared. The forms, essence and features of their implementation, as well as promising areas of the corporate treasury service are studied. The purpose of the article is to reveal the role of the Treasury service in managing cash flows of Corporate large companies.

Keywords: Treasury, settlement center, finance, cash flow, company.

Кириш. Пул оқимларини самарали бошқариш ҳар қандай корхоналар учун энг муҳим фаолиятлардан бири ҳисобланади. Сўнгги бир неча йил ичидаги компанияларнинг молиявий менежменти, жаҳондаги беқарор молиявий вазият туфайли энг долзарб бўғимлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Компанияларда мустақил маблағларининг етишмаслиги ходимларга солиқ ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бермаслик, кредит ва қарздорликларни тўланишининг кечикиши, шартномалар бўйича етказиб берувчилар учун тўлов шартларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, кун сайин ривожланиб бораётган иқтисодий шароитда ҳақиқий муаммо жорий тўловлар қобилиятини сақлаб қолиш ва маблағларни инвестиция қилишдан қўшимча фойда олиш ўртасидаги мувознатни сақлаб туришдир.

Барқарор бўлмаган молиявий вазиятда компанияларда молиявий пул оқимларнинг ҳаракатини назорат қилиш эса жуда муҳимдир. Ушбу масала доирасида ғазначилик хизматининг таркибий бўлинмаси, унинг вазифалари ва

компаниялар фаолиятидаги рўли кўриб чиқилади. Сабаби жадал ривожланаётган иқтисодиётда тобора жуда кўп ташкилотлар ғазначилик бўлинмаси шакллантиришга харакат қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ғазначилик хизматининг марказлашган бошқарувга эга компанияларидаги ўрни ҳамда ушбу хизматнинг ўзи юзасидан турлича назарий қарашлар мавжуд.

Ўзбекистон давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун хужжатларида белгилаб қўйила-диган маҳсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги худудий бўлинмалари ғазначилик томонидан амалга оширилади[1].

Корпоратив ғазначилик молиявий оқимларни бошқариш функцияларини марказлаштириш билан узоқ муддатли молиявий кўрсаткичларни ишончли башорат қилиш ва шўъба корхоналар ҳисобларида мақбул ликвидлик даражасини сақлаб қолиш мумкин бўлади[3].

“Пул оқимлари ҳаракати түғрисида ишончли ва ўз вақтида маълумот олиш ва компанияларнинг активлари ва мажбуриятларини бошқариш жараённида асосли қарорлар қабул қилиш учун ғазначилик хизмати ташкил этилиши керак” деб ҳисоблайди иқтисодчи Сацуқ Т.Р. [4]

Ғазначилик хизматини яратишда компаниялар унинг ишлаши учун аниқ қоидалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиши керак ҳамда ғазначилик хизматининг вазифаларини аниқ белгилаш, шунингдек, унинг фаолияти фойдали бўлиши ёки фақат харажатларни минималлаштириш ва нақд пулни бошқариш билан боғлиқ даромадларни оптималлаштириш ва чекланиши керак эмаслигини Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Молия институти илмий изланувчиси Бакланова Т.Э. ўз мақалосида таъкиблаб ўтган[6].

Бакулевская Л. В. ўз монографиясида ғазначилик хизматини ташкил этишининг компаниялардаги ўрнини қўйидаги 4та асосий позициялар кўриш мумкинлигини билдирган[7]:

- Рахбар ғазначилик хизматининг ҳарарат эркинлигининг вазифалари ва чегараларини аниқлаб бериши керак;
- Ғазначилик хизмати фойда олиш маркази бўлиши мумкин, уни бошқариш ғазначилик хизматининг қўшимча фойдаси ҳисобига фойданни оширишга қаратилган бўлиши керак;
- Ғазначилик департаменти компанияларнинг энг юқори марказий офиси таркибида киради ва унинг ваколатхоналари ҳар бир шўба корхонада жойлашган бўлиши керак;
- Кичик пул айланмалари бўлган корхоналарда ғазначиликнинг функциялари бухгалтерия бўлими томонидан таъминланади.

Технологик нуқтаи назардан, пул оқимлари компанияни хўжалик юритувчи субъект сифатида кўплаб контрагентлар билан боғлайди, уларнинг умумий жихатлар орқали бирлаштиришини профессор, иқтисодиёт фанлари доктори Ковалеев В.В. ўз китобида очиб берган[8].

Марказлашган ғазначилик органлари функциялари ҳақида Қосимова Г.А. ўзининг ўқув қўлланмасида қўйидаги мажбуриятларни санаб ўтган. Булар жумласига бюджет ташкилотларини мажбуриятларини бошқариш, ғазначиликнинг бош китобини юритиш, тўловларни бошқариш, бюджетга тушган тушумларни бошқариш, харажатларни молиялаштиришга руҳсат бериш, молиявий ҳисботни тайёрлаш ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари ўқув қўлланмада Япония давлатида ғазначилик хизматини бажарадиган функцияларининг ўзига хос ташкилий схемаси ҳақида сўз борган. Япония мамлакатида ғазначиликни бажарадиган функциялари қарзларни бошқариш бўлими-

га, бюджет бўлимига, ғазначилик бўлимига, молия бўлими, давлат бюджетини ижро этиш бўлими ва хуқуқий бўлими юклатилган. Ушбу бўлиmlар молия бюроси таркибида кириб, бу бюrolар япония молия вазирлигининг алоҳида бўлинмалари ҳисобланади. Юқоридаги бўлинмаларнинг номланишидан кўриниб турибдики, мамлакатда давлат молиясини бошқариш функциялари ихтинослашган кичик бўлинмаларга бўлиб юклатиб қўйилган[9].

Ғазначилик - давлат ҳокимияти ва корпоратив бошқарув тизимида таркибий ташкилот бўлиб, бюджетни ижро этиш ва молиявий оқимларни бошқариш функцияларини бажаради, эскирган маънода пул маблағларини қабул қилиш, бериш ва саклаш, ғазначилик даромадларини ҳисобга олиш жойидир [10].

Королев А.А., Ларин А.В.ларнинг фикрига кўра, корпоратив ғазначилик - бу ташкилотнинг активларини (инвестициялар, инвестициялар) ва мажбуриятларини (маблағлар томонидан жалб қилинган ресурслар) бошқариш учун мўлжалланган бўлинмадир [11].

Тадбиркорлик муаммолари ўрганиш институти ўз ўрганишлари натижасида ғазначиликнинг вазифаларини икки синфга бўлган, булар: стратегик молиявий режалаштириш ва оператив бошқарувдир.

Ғазначиликнинг асосий вазифаси эса молиявий рискларни ва операцион харажатларни минималлаштириш ва бўш молиявий ресурсларни инвестициялашдан максимал рентабелликни ошириш мақсадида банклар ва бошқа молия институтлари билан муносабатларни ташкил этиш асосида компаниянинг молиявий оқимларини оператив бошқаришдир – деб ҳисоблайди [14].

Тадқиқот методологияси. Илмий мақола корпорация тузилмасида ғазначилик хизмати функцияларини тақсимлаш масаласини ўрганишга бағишлиланган. Ушбу мақоланинг мақсади ийрик компанияларда пул оқимларини бошқаришда ғазначилик хизматининг рўлини очиб беришдир. Мақолани ёзиш жараёнида биз алоҳида компания мисолида ғазначилик хизматини шакллантириш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, ахборот маълумотларини тузиш, тақ-қослаш усули ва бошқал усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ғазначилик хизматини яратишда компания ва унинг раҳбари ғазначилик ишлаши учун аниқ қоидалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиши керак. Ғазначиликнинг вазифаларини аниқ белгилаш, шунингдек, унинг фаолияти фойдали бўлиши ёки фақат харажатларни минималлаштириш ва нақд пулни бошқариш билан боғлиқ даромадларни опти-

маллаштириш билан чекланиши керак эмаслиги ҳам ҳал қилиниши керак.

Ягона молиявий оқимларни бошқариш марказига бўлган эҳтиёж қўйидаги сабабларга кўра юзага келади, уларни ички ва ташқи қисм-

ларга бўлиш мумкин. Куйида сабаблар туфайли компаниялар ўзининг ягона ва марказлашган ғазначилик бошқармасини ташкил этадилар (1-чизма).



1-чизма. Ғазначилик бошқармасининг шаклланиш сабаблари [3]

Шундай қилиб, юқорида айтилганларнинг барчасини бирлаштириб, ғазначиликнинг асосий вазифаси компаниянинг молиявий оқимларини бошқариш эканлиги кўриш мумкин бўлади. Моҳиятини яхшироқ тушуниш учун келинг, ғазначилик тизими қандай функцияларни бажариши кераклигини алоҳида кўриб чиқайлик.

Операцион ва бошқариш функциялари бир-бирини ўйғун тарзда тўлдиради, чунки нақд бюджетни муваффақиятли бажариш учун сиз ҳақиқий тўлов маълумотларига эга бўлингиз керак. Ғазначиликнинг ўз функцияларни бажариш жараёни унинг асосий вазифаларидан бири - компаниянинг ликвидлигини бошқаришdir.

Энди ғазначилик бўлими таърифига эътибор қаратайлик. Ғазначилик бўлими - бу компаниянинг молиявий бошқарув тизимида алоҳида рўл ўйнайдиган ва уларга эришш учун ўзига хос мақсад ва воситаларга эга бўлган бўлинма.

Бошқа ҳар қандай модел сингари, ғазначилик ҳам ўзининг афзалликлари, ҳам камчиликларига эга, шунингдек, компаниялар учун

моделлар алоҳида танланади. Бугунги қунда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ғазначилик моделлари мавжуд.

Марказлаштирилган ғазначилик моделларида битта марказда бошқариш функцияларининг концентрацияси билан тавсифланади. Ушбу сценарийда ғазначилик асосан ҳисоб-китоб маркази бўлиб, бошқа таркибий бўлинмаларнинг сўровларини қабул қиласи ва бажаради. Ушбу параметр кичик компаниялар учун энг мос келади, лекин у молиявий оқимларни назорат қилишни кучайтириш зарурати бўлган йирик компанияларда ҳам мавжуд. Ушбу модельнинг асосий афзаллиги ресурсларни тузилмалар ўртасида тезда тақсимлаш қобилиятидир, камчиликларига эса аризаларни қайта ишлаш вақтининг кўплиги, фавқулодда вазиятлар хавфи нинг ошиши ва филиалларнинг мустақиллигининг йўқлиги киради.

Ғазначилик ташкилотининг марказлаштирилмаган модели эса жуда содда хисобланади, чунки тўловлар тўғридан-тўғри харажатлар марказидан амалга оширилади. Бундай компа-

нияларнинг афзаллиги молиявий муаммоларни ҳал қилишнинг юқори тезликда амалга ошириши ҳамда бу компаниялар ўз ички тузилмалар ичида ишлашининг муҳим мезонидир, чунки бу молиявий рисклар минималлаштирилади. Ушбу модельнинг камчилиги эса шундаки, компаниядаги филиалларни самарали комплекс назорат қилиш бизнес жараёнларининг аниқ тузилишини ва уларга риоя қилинишини талаб қиласди, акс ҳолда молиявий хатарларнинг ошиши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг юқори ғазначилиги, вилоятлардаги ғазначилик бошқармалари ҳамда туман ва шаҳарлардаги ғазначилик хизматларини ўз ичига олуви чиқиби ғазначилик тизимларининг ягона мар-

казлашган тизими ташкил этилган бўлиб, асосий функция ва вазифалари конун билан белгилаб қўйилган.

Ғазначилик хизмати компанияларнинг ўзига хос бошқарув хусусиятлари ҳамда юқоридаги асосий моделлар устуворликларининг бошқа тартибини ва вазифаларни шакллантиришни назарда тутади.

Шундан қилиб ҳар бир компаниялар ўзининг ташкилий ва бошқарув хусусиятларидан келиб чиқиби ғазначилик хизматини моделларини ўзи танлаб олиши зарур. Келинг қуйида ғазначилик икки моделларининг вазифалари қайдай тақсимланиши ва уларнинг бир биридан қандай фарқлари мавжудлигини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1 – жадвал

Ғазначиликнинг турли моделлардаги вазифалари

| Ғазначиликнинг марказлашган модели | Ғазначиликнинг марказлашмаган модели |
|---|--|
| <ol style="list-style-type: none"> Тўлов жадвалининг аниқ мувофиқлигини ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш; Бюджет моддалари чегараларига риоя этилишини назорат қилиш; Дебиторлик қарзлари ва мажбуриятларнинг муддатларини бажарилишини назорат қилиш. | <ol style="list-style-type: none"> Консолидацияланган бюджет доирасида ҳар бир молиявий жавобгарлик маркази учун белгиланган чегаралар бўйича тўловларни назорат қилиш, ўз маблағларидан фойдаланиши назорат қилиш; Компаниянинг пул бюджети бажарилишини таъминлаш; Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари айланмасини мониторинг қилиш. |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқорида тавсифланган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ғазначилик моделларининг хусусиятларини бирлаштирган аралаш модел ҳам мавжуд. Кўпгина компаниялар учун ушбу параметр мақбул бўлиб, иккита модельнинг афзалликларини ўзида бирлаштиради. Муайян мисолни кўриб чиқишидан олдин корпоратив ғазначилик консалтинг аудиторлик компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган "идеаллаштирилган" моделга эътибор қаратайлик. Унга кўра модельнинг асосини тегишли воситалар - функционал блоклар (ғазначилик функциялари) ёрдамида амалга ошириш керак бўлган "ғазначилик стратегияси" ташкил этади. Ғазначилик стратегияси эса ўз навбатида тегишли ташкилий тузилма, жараёнлар, инсон ресурслари ва меъёрий-хуқуқий базага асосланади.

Россиянинг Роснефт нефт ва газ компанияси ўзининг ғазначилик хизматига эга. "РН-Хисоб" МЧЖ - Россия нефт саноатининг етакчиси Роснефт компаниясининг энг йирик ғазначилик хизматини кўрсатувчи фирмаларидан бири хисобланади. Филиалларнинг тўловлари ва мажбуриятлари тўғрисида долзарб маълумотларнинг йўқлиги, шунингдек уларни бошқаришнинг ягона методологияси компаниянинг ишлаб чиқариш, тижорат ва моддий жараёнларига таъсир кўрсатди. Фирманинг асосий фаoliyatи бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби хиз-

матларини кўрсатишидир. Ушбу бухгалтерия ташкилоти Россиянинг Мурманск вилоятидан Южно-Сахалинск вилоятигача бўлган ҳудудларда кенг тармоқли алоҳида бўлинмалари мавжуд.

Ушбу тизимнинг компанияда жорий этилиши шўба корхоналарнинг ҳисобвақларида вақтинча бўш молиявий ресурслардан фойдаланиши ҳамда компанияни қисқа муддатли кредитлашга бўлган эҳтиёжни камайтириши билан оқланади. "РН-Хисоб" МЧЖ Роснефт нефт компанияси ва унинг филиалларида 300 дан ортиқ молиявий операцияларни бир ўзи бошқаради.

Ушбу умумий хизмат кўрсатиш маркази 10 йилдан ортиқ вақт давомида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Ўзининг мавжуд бўлган йиллари давомида компания турли хил ташкилий-хуқуқий шаклдаги ва турли хил фаолият турларида, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби соҳасида, шунингдек корпоратив молиявий ҳисоботларни тайёрлашда компанияларнинг эҳтиёжларини самарали қондира оладиган тузилмани ишлаб чиқди ва бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бир қатор эксперталарнинг фикрига кўра, компаниялар таркибида ғазначилик хизмати каби бўлинмани алоҳида ажратиш шарт эмас, чунки молиявий оқимларни бошқариш функцияларини бир нечта бўлинмалар ўртасида тақсимлаш мумкин (2-жадвал). Бунинг яққол мисолини қўйидаги жадвал асосида кўриш мумкин.

Молиявий оқимларни бошқаришда вазифаларининг тақсимланиши

| Бўлимлар | Вазифалар |
|------------------------|--|
| Молия – иқтисод бўлими | <ul style="list-style-type: none"> - Бюджет пул оқимларини режалаштириш; - Бўлимлардан тўловлар учун сўровларни қабул қилиб олиш; - Тўлов учун ҳисоб-фактуралар регистрларини юритиш; - Тўлов календарларини шакллантириш; - Кредит олиш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш. |
| Сотув бўлими | <ul style="list-style-type: none"> - Мижозлардан келиши кутилаётган талабномаларни прогнозлаш. |
| Бухгалтерия бўлими | <ul style="list-style-type: none"> - Банк ҳисобвараклари бўйича ҳисоб-китоб ва касса операцияларини ўз вақтида амалга ошириш; - Контрагентлар билан ўзаро ҳисоб -китобларни фармоишга асосан амалга ошириш. |
| Молия бўлими директори | <ul style="list-style-type: none"> - Ҳисоб-фактуралар регистр тўловларини устувор ва долзарб масалалар бўйича таҳлил қилиб юриш; - Эркин пул оқимилари ва улардан фойдаланиш йўналишини аниqlаш. |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бундай муҳим вазифаларни тақсимланиши ҳолатида бир мустақил бўлинмани алоҳида равишда ўзи тажриба ўтказиш тавсия этилмайди. Компанияда методологияни ишлаб чиқиш ва ғазначилик тизимини жорий этишнинг муваффақияти ушбу жараёнга жалб қилинган мутахассисларнинг профессионаллиги ва амалий тажрибасига боғлиқ. Газначиликнинг тартибли ва яхши ташкил этилиши жуда муҳимдир. Бу молиявий оқимлар устидан тўлиқ назорат қилиш мумкинлигини англатади.

Хуоса ва таклифлар. Тадқиқот натижасида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ғазначилик моделлари ўрганилди ва уларнинг ҳар бирини танлаш сабаблари оқланди. Муаллиф компанияда ғазначилик тизимининг методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ушбу жараёнга жалб қилинган мутахассис-

ларнинг профессионаллиги ва амалий тажрибасига боғлиқ деган хуносага келинди. Ўрганилган таърифларнинг барчасида ғазначилик тизимининг моҳияти бир ёки икки томонлама ёндашув асосида очиб берилган бўлиб, унинг мазмунини тўлиқ ва кенг очиб бера олиш мумкин эмас. Шу боис ҳам ғазначилик хизматининг вазифаларни аниқлашда кўп қамровли, комплекс таърифни бериш талаб этилади.

Фикримизча, йирик компанияларда ғазначилик хизматига юклатилган функциялар ва вазифалар бажариш тизимини ҳамда ушбу жараёнларнинг автоматлаштирилган ахборот технологияларини тадбиқ этиш уларда иш самардорлиги ва унимдорлигини оширишга хизмат қиласи.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Қонуни. Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
2. Россия Федерацияси Презедентининг 477-сон «Федерал бюджет маблағлари ишлатилишини назорати қучайтишининг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 12 майдаги Фармони.
3. Борисюк И. А. Недоступова О. Р. Корпоративные казначейства: новые возможности для повышения эффективности финансовых потоков [Корпоратив газначилик: молиявий оқимлар самарадорлигини оширишинг янги имкониятлари]. 2017. №1(33).
4. Сацуқ Т. Р. "Преобразование учетно-аналитической информации в казначайской службе предприятия". Вестник Сибгату. 2013. № 2(48).
5. "РН-ҳисоб" МЧЖ расмий сайти. [Электрон ресурс]. URL: https://rn-uchet.rosneft.ru/about/Glance/OperationalStructure/Servis/rn-uchet/000_RN-Uchet/
6. Бакланова Т. Э. Казначайская служба корпорации: ее функции и роль в централизованном управлении денежными потоками. Журнал «Московский экономический журнал». Научная статья. 2020.
7. Бакулевская Л. В. Управление денежными потоками: теоретический и методический аспекты. Монография. Йошкар-Ола: 000 "Стринг", 2011.-161 с.
8. Ковалев В. В. Управление денежными потоками, прибылью и рентабельностью : учеб.-практ. пособие. М. : Велби ; Проспект, 2008
9. Қосимова Г.А. "Газначилик фаoliyati ташкил қилиш". Ўқув қўлланма. « Iqtisod-moliya ». Т. 2005. -268 б.
10. Васильева Оксана, Казначейство. Научная статья. https://economic-definition.com/Kaznacheystvo_Treasury_eto.html. 2022.
11. Королев А.А., Ларин А.В. Банковские расчетные продукты для современного казначейства. // Расчеты и операционная работа в коммерческом банке. 2009. №6
12. Лонян Е. С. Россия хазинасида ички назорат ва ички аудитни модернизация қилиш // молиявий бўллетен: молия, солиқлар, сурурта, бухгалтерия ҳисоби. - 2014. - 12-сон. - 43-52 бетлар.
13. Хайдаров М.Т., Тешабаев Х.Ф., Кучкаров Т.С., Эшназаров Т. Принципы казначайской системы исполнения бюджета. Монография. Ташкент.: Экономика и право. 2005.-С.25.
14. Роль и задачи казначейства на предприятии. 1C:Консалтинг. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.ipppou.ru/print/006092/>
15. Килберг В.Г. Ўзбекистон Республикасида Давлат буджетининг ғазначилик ижроси элементлари ва босқичлари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Давлат буджетини прогнозлаш, ижро этиши ва назорат. Молия. 2006. -С.76.
16. Satsuk T. P. Vestnik State University of Management. "Development of branch and regional management". Russia, Moscow, 2009, no. 21, pp. 346.